ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Э.А.Салиев
Жиззах вилояти ҳокими,
техника фанлари доктори, профессор

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимининг ривожлантириш ва ислоҳ қилиш орқали миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш доирасида амалга оширилган ишлар ва ислоҳотлар ёритиб берилган. Шунингдек, хориж тажрибаси ва илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида устувор йўналишларини белгилаш, сифатли таълим тизимини ислоҳ этишнинг мазмуни ва самарасини замон талаблари даражасига кўтариш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Рақамли технологиялар, концепция, тараққиёт стратегияси, стратегик вазифа, “Ақлли шаҳар” концепцияси, IT-парк резидентлари, Big Data, сунъий интеллект, SMART-технологиялар ва IoT – буюмлар интернети.

Рақамли технологиялар ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, рақамли трансформация жамиятни янада модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш салоҳиятига эга. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг келгуси беш йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 5 октябрдаги Фармонига асосан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси, шунингдек, 2020-2022 йилларда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Стратегия икки дастурни: ҳудудларни рақамлаштириш ва тармоқларни рақамлаштиришни назарда тутиб, рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли технологиялар миллий бозори, ахборот технологиялари соҳасида таълим ва малака оширишни ривожлантириш каби устувор йўналишларни ўз ичига олади[1].

Шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” ҳамда бошқа миллий стратегик ҳужжатлар ва дастурларда назарда тутилган вазифалар, хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича миллий вазифалар ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади[2].

Маълумки, 2022 йилнинг 28 январь куни қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” – инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш каби 7 та устувор йўналишлар доирасида кейинги беш йилда эришиш керак бўлган юзта стратегик мақсадларни ўз ичига олади.

Тараққиёт стратегиясида ҳам муҳим соҳаларни рақамлаштирилишга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат хизматлари, суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, йўл ҳаракати бошқаруви тизими, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий хизматлар, банк ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва миллий иқтисодиётнинг бошқа асосий соҳаларига янги технологияларни жорий қилиш белгиланган.

Хусусан, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш, шунингдек, “Фуқароларнинг рақамли паспорти” ва “Рақамли идора” лойиҳаларини амалга ошириш каби бир қатор вазифалар кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Жанубий Корея, Россия, Эстония, Хитой билан давом этаётган ҳамкорлик билан бир қаторда, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Сингапур, Япония каби технологик жиҳатдан ривожланган давлатларни мамлакатнинг IT-секторига жалб қилиш, халқаро ҳамкорларнинг географиясини диверсификация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Рақамли экотизимга, IT инфратузилмасига ва электрон хизматларга инвестициялар миллий иқтисодиётни янада модернизация қилиш ва барча соҳаларда инклюзив ўсишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан, рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, 2026 йил охирига қадар унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш, бунда дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 70 фоизгача ошириш белгиланган. Бундан ташқари, шаҳарларни рақамлаштириш, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш ва “Ақлли шаҳар” концепцияси доирасида ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2024 йил 14 сентябрдаги “Рақамлаштириш соҳасида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-157-сонли Фармони қабул қилинди. Бунда IT-парк резидентларига бир қатор қўшимча фаолият турлари бўйича хизматлар кўрсатишга рухсат берилди. Рақамли технологиялар соҳасида хизматлар экспортини ошириш ва мамлакатга хорижий компанияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Етти йил олдин нолдан бошланган бу соҳа 1 миллиард долларлик экспорт қилиш салоҳиятига эга бўлди, ҳар бир ҳудудда экспортга йўналтирилган IT парклар ташкил қилинди. Энди, барча соҳада сунъий интеллект технологиялари кенг жорий қилинади. IT паркда сунъий интеллект маркази очилади. Бу йўналишда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун барча шароитлар яратилади. Лойиҳаларни молиялаштириш учун 50 миллион доллар ажратилади. Тадбиркорликни дастлабки босқичда – стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш экотизими яратилади. Жорий йил стартапларга илк бор 134 миллион доллар инвестиция кириб келди. Бу соҳада фаолиятини нолдан бошлаб, айланмасини 10 миллион доллардан оширган 50 дан зиёд маҳаллий компания пайдо бўлди. Шу боис, стартапларни “оёққа турғазиш” учун венчур жамғармалар фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг учун IT парк ҳам 10 миллион долларлик жамғарма ташкил қилади.

Шунингдек, стартап хориждан олиб келган ҳар 1 доллар инвестициясига давлат ҳам 1 доллар ресурс беради. Стартап ишланмаларини патентлаш ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш каби харажатларни давлат қоплаб беради. Умуман, бу соҳага 50 миллион доллар йўналтирилади.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, мудофаа ва миллий хавфсизлик каби кўплаб соҳаларда сунъий интеллект (AI) ва Big Data технологияларининг афзалликларидан фойдаланиб келмоқда. Price water house Coopers (PwC) консалтинг компанияси тадқиқотлари шуни кўрсатадики, глобал сунъий ақл 2030 йилга келиб жаҳон иқтисодиётига 15,7 триллион АҚШ доллари миқдорида ҳисса қўшиши кутилмоқда. Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотини 26 фоизга ўсишига олиб келади[5].

Жаҳонда 2025 йилда маълумотлар ҳажмининг ўсиши баробарида глобал маълумотлар соҳаси 175 зетта байтга етиши кутилмоқда, бу эса маълумотларнинг экспоненциал ўсишини намойиш этади. IoT – буюмлар интернети қурилмалари сони эса 64 миллиардга етиши прогноз қилинмоқда, бу эса Big Data нинг ўсишига янада ҳисса қўшади. Катта маълумотлар бозорининг ўсиши эса Глобал Big Data бозори ҳажми 229,4 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда. 2026 йилга келиб, маълумотлар бўйича мутахассисларга бўлган талаб 16 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Чакана савдо саноати ва Big Data соҳасида катта маълумотлардан фойдаланадиган чакана сотувчилар ўзларининг фойда коэффицентликларини 60% га оширишлари кутилган. Соғлиқни сақлашда Big Data дан фойдаланишнинг ўсиши соҳасида эса соғлиқни сақлаш таҳлиллари бозори жорий йилга 50,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Ижтимоий медиа фойдаланувчилари кунига 4 пета байт маълумот ишлаб чиқарадилар, бу ижтимоий медианинг Big Data ўсишига таъсирини таъкидлайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири соҳанинг молиявий таъминоти ва аҳолининг рақамли саводхонлигини оширишдан иборатдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа тегишли давлат органлари билан биргаликда республикадаги барча мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва умумтаълим мактабларини рақамлаштиришни жараёнини якунлаш чоралари кўрилмоқда.

“Келажакнинг рақамли саноатини яратиш” – инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали мамлакатни рақамли трансформациясини ишга туширишни, таълимда тезкор суръатларда рақамли ўзгартиришни талаб қилади.

Жаҳонда халқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ) ва ривожланган давлатлар (Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия ва бошқалар) томонидан қабул қилинган 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида таълимнинг жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим омил эканлиги таъкидланиб, сифатли таълим бериш учун виртуал таълим технологиялари, сунъий интеллект, оммавий онлайн очиқ курслар, мобил таълим технологиялари, таълимни бошқариш тизимлари ҳамда электрон таълим моделларидан самарали фойдаланилмоқда[4].

Бугунги кунда дунёда ахборот – коммуникация технологиялари ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилаётган давлатларда (Жанубий Корея, Дания, Швеция, АҚШ, Сингапур) таълим соҳасида маълумотлар базаси, коммуникатив тармоқлар, SMART-технологиялар ва IoT – буюмлар интернетидан кенг миқёсида фойдаланиш мақсадида ўқув жараёни бошқарувининг ахборот тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда айниқса, анъанавий ўқитишга муқобил технологиялар (масофавий таълим, электрон таълим, онлайн очиқ курслар)ни такомиллаштириш борасидаги тадқиқотлар муҳим ўрин эгалламоқда.

Шу сабабли мамлакатимизда таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириб, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, узлуксиз таълим амалиётига инновацияларни жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Бу борада республикамизда бир қатор норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ф-6079-сон фармонида “Олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш”, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030

йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сон фармонида — таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, сунъий интеллект, Big Data ва булутли технологияларини амалиётга кенг жорий этиш” каби вазифаларнинг белгиланиши эса мазкур йўналиш доирасида қатор ишларни амалга оширишни тақозо этади.

Ушбу маълумотларга таяниб шуни хулоса қилиш мумкинки, фан-техниканинг жадал суръатлар билан тараққиётини, рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини эътиборга олган ҳолда иқтисодий тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш давр талаби бўлиб, бу бизга юксалишнинг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. IT йўналишида етук мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга стратегик вазифа сифатида белгиланиши бу борадаги кўп йиллар мобайнида мураккаб бўлиб турган вазифаларга ўзига хос ечим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги “Рақамлаштириш соҳасида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-157-сонли Фармони.

4. Инчеон Деклорацияси/Таълим-2030.(Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p.6-7) http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/ 233813m.pdf.

5. Интернет манба: https://www.deutschland.de/ru/topic/ekonomika/....